Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2011-yil, 11-iyun. Shanba • 70 (31.346) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz


## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



**Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар кўрсатув ва эшиттиришлари Интернет глобал тармоғи орқали бутун жаҳонга узатилмоқда.**

**Ҳар бир тадбиркор, аввало, шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим.**



## РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 2011 йил 13-14 июнь кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф давомида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилиниши мўлжалланмоқда.

## Ахборот эркинлиги таъминланмоқда

**Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлашга доир изчил чоралар кўрилмоқда. Конституциямиз ва бошқа қатор қонунларда ахборот эркинлигини таъминлаш кафолатларининг мустаҳкамлаб қўйилгани бу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.**

Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш соҳасида қонунчиликни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда мамлакатимиз экспертлари ва етакчи журналистлари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳузуридаги «Келажак пресс» ҳудудий ёшлар матбуот марказининг Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган «Марказий таҳририятлар ва ахборот агентликлари ҳузурида ҳудудий журналист кадрларнинг малака ошириши ва тажриба алмашиши» лойиҳаси доирасида ўз малакасини ошираётган ходимлари иштирок этди.

*(Давоми 3-бетда.)*

### Фракция фаолияти









## Давлат бюджетида ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратилгани

**аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда, дея таъкидланди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси йиғилишида**

**Депутатлар Давлат бюджетининг 2010 йилдаги ва 2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси якунлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқишди. Муҳокама чоғида мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастури изчил амалга оширилиши туфайли ҳисобот йилида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мувозанат сақлангани алоҳида таъкидланди.**

⇨ 2

### Эътироф

**Сайёҳлик ҳар бир мамлакат иқтисодий ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакат эканини алоҳида қайд этишни истардим. Шу боис жаҳон бозорида юртингизнинг сайёҳлик нуфузи йил сайин юксалмоқда. Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган мамлакатингиз ўзининг ноёб тарихий ёдгорликлари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати ва файзли гўшалари, бетакрор маданияти, қадимий анъаналари билан жаҳон сайёҳларини ўзига ром этиб келмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда спорт ва тиббиёт сайёҳлиги ҳамда экотуризмни ривожлантириш борасида кенг имкониятлар мавжуд».**

**Дональд НИКОЛСОН,**
**Ўзбекистондаги АҚШ савдо палатаси президенти**

### Янгиликлар

## Ёш архивчилар форуми

**Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги ҳамда Халқаро архивлар куни муносабати билан ёш архивчилар форуми ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда агентлик ҳамда барча вилоятлардаги ҳудудий архив иши бошқармалари вакиллари, ёш архивчилар иштирок этди.

Тадбир доирасида иштирокчилар Самарқанддаги тарихий обида ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

## Жавоҳирнинг антивирус дастури

***Тошкент шаҳридаги Юнусобод машинасозлик коллежи битирувчиси Жавоҳир Мамбетов ахборот технологиялари соҳасидаги муҳим янгилик — ўзбек тилида «Uz security» антивирус дастурини яратди.***

— «Uz security» дастури «borchland delphy» дастурлаш тилида ёзилган, — дейди Ж.Мамбетов. — Унинг маълумотлар базасида 200 мингдан зиёд кенг тарқалган вирусларга қарши курашадиган тизим мавжуд. Келажакда лаборатория очиб, «Uz security» дастурини мамлакатимизда фойдаланилаётган ахборот-коммуникация технологияларига жорий этиш ниятидамиз.

Ёш ихтирочи ўтган йили «Келажак овози» кўрик-танловининг мамлакат босқичида ушбу дастур билан қатнашди ва ғолиб бўлди. Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан унга лицензия берилди.

## Болалар велосипедлари

***Андижон шаҳридаги «Сезам» савдо-саноат хусусий корхонасида шу йилнинг тўрт ойида 3 мингта болалар велосипеди тайёрланди.***

Корхонада айни пайтда ўнга яқин ишчи меҳнат қилаётир, аммо бу ерда ишлаб чиқарилаётган велосипедга эҳтиёж катта, бу эса корхонани кенгайтириб, янги иш ўринлари очишни тақозо этади. Шунингдек, корхонада бугун замонавий технологиялар ўрнатилмоқда. Бу ўз навбатида болалар велосипедини янада такомиллаштиришга замин яратади.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




## Биздан озод ва обод Ватан қолсин!



**Халқимиз озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдига олий мақсад қилиб қўйган. Президентимиз Ислом Каримов озодлик ва ободлик халқимиз учун азалдан ўзаро муштарак, энг азиз, энг эзгу қадрият бўлиб келганлиги, юрт ободлиги, аввалambор, шу юртнинг эгаси бўлган халқимизнинг, шу заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг пок ниятлари ва мақсадларидан, лўнда қилиб айтганда, кўнгил ободлигидан бошланишини алоҳида таъкидлайди.**

## Улуғ орзуларнинг амалдаги ижобати

***Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида ишлаб чиқилган ҳамда изчил амалга оширилаётган қишлоқларда замонавий уй-жойлар қуриш борасида Ўзбекистоннинг ноёб тажрибаси ҳақида***



Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, ана шу кўнгил ободлиги самаралари — улкан янгиланишлар, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига гувоҳ бўласиз. Юртдошларимиз қишлоқларимиз қиёфаси тобора ўзгариб, кўркамлик касб этиб бораётгани ҳақида тўлқинланиб гапиради.

Ҳа, бугун мамлакатимизда рўй бераётган янгиланишлар, амалга оширилаётган улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг суръати вақтни ҳам шошириб қўяётгандек. Бугун қайси даврада бўлманг, қишлоқларимиз, у ерда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида гап кетганда, аввало, янги массивлар, замонавий уй-жойлардан сўз очилади.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши, шу муносабат билан «Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади», деган эзгу ғояни ўзида ифода этган Давлат дастури изчиллик билан амалга оширилиши мазкур йўналишда янги даврни бошлаб берди. Қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасини юксалтириш, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этишда мислсиз ишларга йўл очди.

*(Давоми 4-бетда.)*

## «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

**Ўзбекистон темир йўл тармоғини модернизация қилиш бўйича 2013 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган комплекс дастур қабул қилинган. Бу поездлар паркини янгилаш, йўлларни қайта тиклаш, ихтисослаштирилган саноат корхоналарини реконструкция ва модернизация қилиш каби чора-тадбирлардир.**

**Шунингдек, ушбу дастурда биз учун ва бутун минтақа учун янги бўлган юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездлар қатновини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган. Бу темир йўл транспорти ва унга нисбатан одамларнинг муносабатини тубдан ўзгартиради.**





**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!**



Обуна индекси — 220



# Давлат бюджетида ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратилгани

**аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда, дея таъкидланди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси йиғилишида**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

— 2010 йил якунларига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулоти 8,5, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8, қурилиш ишлари ҳажми 8,1, чакана товар айланмаси 14,7, пуллик хизматлар ҳажми 10,9, фоиз, экспорт ҳажми 10,8 фоиз ўсишига эришилди, — **деди Молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаев**. — Айниқса, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайгани, 2010 йилда кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баравар ўсгани ва йил охирида 2,7 триллион сўмни ташкил этгани амалда ўз самарасини бермоқда.

Ўтган йили аҳоли фаровонлигини ошириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, ижтимоий соҳа ва инфратузилмани ривожлантириш тадбирларини молиялаштиришга 13 386,9 миллиард сўм сарфланди. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида Давлат бюджетидан 1 312,5 миллиард сўм ажратилди. Жумладан, 18 ёшгача боласи бор оилаларга 439,3, боласи 2 ёшга тўлгунга қадар ишламайдиган оналарга 530,5, болаликдан ногиронларга 220,5 миллиард сўм нафақалар, кам даромадли оилаларга 58,5 миллиард сўм моддий ёрдам ҳамда бошқа нафақа ва компенсация тўловлари ажратилди.

2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича тизимли ва мақсадли чора-тадбирлар олиб борилди. Натижада йилнинг 1-чорагида иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва макроиқтисодий мувозанат таъминланди.

Хусусан, ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,6 фоизга ўсди. Иқтисодий ўсиш суръатлари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,2, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг 5,8, чакана савдо товар айланмасининг 13,1, хизмат кўрсатиш ҳажмининг 12,6 фоизга ортишига эришилди. Бу даврда республика бўйича 145 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди, товарлар ва хизматлар экспорти 28,5 фоизга ўсди.

Йилнинг ўтган чорагида ҳудудий дастурларга мувофиқ 219 мингта янги иш ўрни яратилиб, уларнинг 70 фоизи қишлоқларда ташкил этилди. Янги иш ўринларининг 137,6 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди. Хусусан, уй меҳнатининг турли шаклларини кенгайтириш орқали 54,2 мингта иш ўрни ташкил этилди.

ЎзХДП фракцияси аъзолари партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, 2010 йилда 950 мингдан ортиқ иш ўрни яратилганига алоҳида эътибор қаратдилар. Янги иш жойларининг барқарорлиги, айниқса, коллеж битирувчиларини ишга жалб этиш масалалари депутатларнинг диққат-марказида бўлди. Шунингдек, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш харажатлари мақсадли сарфланишида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулиятини янада ошириш кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда иқтисодиётни ривожлантириш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгани, 2010 йилда ҳамда 2011 йилнинг биринчи чорагида Давлат бюджети тасдиқланган параметрларга мувофиқ амалга оширилгани ҳамда профицит билан ижро этилгани, инфляция даражаси белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмагани таъкидланди.

Кун тартибидаги масала муҳокамасида депутатлар бир қанча йўналишлар бўйича саволлар беришди. Саволларга мутасадди вазирлик ва ташкилотлар вакиллари атрофлича жавоб қайтаришди.

**Савол:** — Ўтган йили касб-ҳунар коллежларини 400 минг нафар йигит-қиз битирган бўлса, ёшларнинг 80 фоизи ишга жойлашган. Аммо уларнинг фақат ярми ўз мутахассислиги бўйича меҳнат қилаяпти. Бу йил 430 минг ўқувчи битириши кутилмоқда, жойларда 956 минг янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Ёшларни ишга жойлаштиришда мутахассислик масаласига қандай қаралаяпти?

**Жавоб:** — Дарҳақиқат, бу жуда долзарб масала. Ҳудудларда яратилаётган иш ўринлари коллежларни битираётган ўқувчилар мутахассислигига тўғри келиши ғоятда муҳим. Лекин айрим жойларда бу борада муаммолар бор. Мисол учун, Нурота туманида геология соҳаси мутахассислари ва боғбончиликка талаб катта. Аммо бу ерда мазкур мутахассислик бўйича таълим олаётган ёшлар саноқли. Шу каби муаммоларнинг олдини олиш мақсадида касб-ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш йўналишлари доимий равишда кўриб чиқилмоқда.

**Савол:** — Ўтган йили Давлат бюджетидан 47,5 миллиард сўм маблағ аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга йўналтирилган. Бу борада қилинган ишлар юзасидан тўлиқроқ маълумот берсангиз.

**Жавоб:** — Бу маблағ тўғридан-тўғри бюджетдан ажратилган. Қолаверса, бошқа манбалардан ҳам ўтган йили коммунал соҳада ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини яхшилаш ишларига 2 миллион доллар миқдорида маблағ сарфланган. Бугунги кунда республикамиз аҳолисининг 83 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган. Бу борадаги ишлар изчил давом этаяпти.

**Савол:** — Ғазначилик тизими жорий этилгандан сўнг бюджет маблағлари мақсадли йўналтирилиши янада кучайди ва бир қатор ортиқча сарф-харажатларнинг олди олинди...

**Жавоб:** — Дарҳақиқат, ғазначилик тизими жорий этилгандан сўнг бюджет маблағлари сарфланиши борасида қатъий назорат ўрнатилди. Бюджет маблағи мақсадсиз сарфланиши ҳолатларининг олди олинмоқда.

**Савол:** — Яқинда автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ижросини ўрганиш учун жойларда бўлдик. Маълумки, умумфойдаланишдаги йўллар қурилиши ва таъмирланиши Республика йўл жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади. Қурилиш, таъмирлаш ташкилотлари эса мазкур жамғарма томонидан танланади. Аммо айрим ҳолларда умумфойдаланишдаги йўллар, халқаро ва давлат аҳамиятига молик йўлларни созлаш, қуриш ва реконструкция қилиш ишлари билан бошқа ихтисосликдаги ташкилотлар ҳам шуғулланмоқда...

**Жавоб:** — Бу масала ҳақиқатан ҳам муҳим. Чунки йўлларнинг равон, текис бўлиши ва халқаро талаблар даражасида қурилиши кўп жиҳатдан мутахассислар малакасига боғлиқ. Шу боис ҳозирда йўлларни қуриш ва таъмирлаш, реконструкция қилиш учун ташкилотларни танлаш тизими ўзгарди. Йўл жамғармаси энди бу борада 3 йиллик тажрибага, зарур техника воситаларига эга ташкилотлар билан шартнома тузишни режалаштирган...

Қизғин баҳс-мунозараларда фракция аъзолари давлат бюджети ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджет ижроси самарадорлигини янада ошириш бўйича фикр-мулоҳаза билдиришди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан фракциянинг позицияси белгилаб олинди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари



**Аҳад АҲМЕДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси**

**Ҳар бир давлат барқарор ривожланишида атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Экотизим мусаффолигини сақлаш аҳоли саломатлиги ва яшаш шароити яхшиланишига хизмат қилади. Шу боис, мамлакатимизда экологик муҳитни ҳимоя қилиш, бу борада ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш юзасидан муҳим ишлар амалга оширилмоқда.**

# Экологик назорат

**самарали ташкил этилишида жамоат ташкилотлари фаол иштирок этади**

Табиатни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ишончли ҳимоялаш, экологик хавфсизликни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Кейинги пайтларда бу жараёнда жамоатчилик иштироки тобора ошиб бормоқда. Экология соҳасида жамоатчилик назоратини ташкил этишни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар мавқеини мустаҳкамлаш долзарб масаладир. Шунинг учун ҳам **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»**да бунга алоҳида эътибор қаратилган, унда **«Экологик назорат тўғрисида»** Қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси илгари сурилган.

Таъкидлаш керакки, мазкур Қонун атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш учун жамоатчилик назорати ўрнатиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар, турли жамоат тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини бунга жалб этиш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қонун лойиҳасида, хусусан, экологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш борасида юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан асослаш ва мувофиқлаштириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, экологик назорат тўғрисидаги қонун атроф-муҳитни муҳофаза қилишга масъул идоралар, бу жараёнда иштирок этадиган барча тизимлар фаолиятини мувофиқлаштиришда кенг жамоатчилик иштирок этиши учун етарли ҳуқуқ ва имконият яратиши лозим.

Мазкур қонун лойиҳасида атроф-муҳитни ифлослантириши, инсон ҳаёти ва саломатлигига хавф солиши мумкин бўлган ҳолатлар бўйича мутасадди ташкилотларни олдиндан огоҳлантириш, жамоатчилик томонидан экологик назорат ўрнатиш тартиби, шакл ва усулларини белгилаш, айни пайтда, экологияни асрашга қаратилган давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини ўрганиш юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотларга ваколат бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда белгиланган қонуний тартиб ва талабларни бузганлик ёки бажармаганлик учун тегишли давлат органлари, мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтириш, шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа муассасаларнинг табиатни муҳофаза қилишга оид қонунлар, қонуности ҳужжатларига амал қилишини, хусусан, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқаришга экологик тоза технологиялар жорий этишини назорат қилиш бўйича меъёрлар белгиланиши қонун лойиҳасининг мукаммаллигини таъминлайди.

Бу қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этиши устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга хизмат қилади. Энг муҳими, шу орқали табиатни муҳофаза қилишда меъёрий ҳужжатлар талаби бузилишини аниқлаш, табиатга етиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш учун янада кенг имконият туғилади.

Бундан ташқари, юридик ва жисмоний шахслар табиатдан фойдаланиш борасидаги қоидаларга амал қилиши таъминланади, айни вақтда, жамоатчилик таклиф ва ташаббуси билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатни соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кўлами кенгаяди.

Экологик назорат асосан тўрт йўналишда олиб борилиши кўзда тутилмоқда. Булар давлат экологик назорати, идоравий экологик назорат, ишлаб чиқариш экологик назорати ҳамда жамоатчилик экологик назоратидир.

Давлат экологик назорати — бу хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилот, муассасалар томонидан табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, табиий маъданлардан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, бу борада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда махсус ваколатли давлат органлари амалга ошириладиган назорат тизими ҳисобланади. Идоравий экологик назорат эса хўжалик бошқаруви органларининг экологик хизмати томонидан идоралар бўйсунувидаги корхона ва ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти устидан амалга ошириладиган назоратни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш экологик назорати тизими ҳам юқоридагиларга ўхшашдир.

Таҳлиллар экологик назорат самарадорлиги ошишида жамоатчилик назорати кучайиши муҳим аҳамият касб этишини кўрсатмоқда. Айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг бу борада мавқеини мустаҳкамлаш долзарб масаладир.

Таъкидлаш жоизки, қонун маҳаллий ҳокимият ва бошқаруви органлари, вазирликлар ва тегишли мутасадди ташкилотларнинг экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги ваколат ва мажбуриятларини аниқ белгилаб бериши билан қимматлидир. Чунки экологик назорат ҳар жиҳатдан самарали бўлиши учун жамоатчилик мутасадди идоралар ва ташкилотлар зиммасидаги мажбуриятлардан етарли даражада хабардор бўлиши лозим.

«Экологик назорат тўғрисида» қонуннинг қабул қилиниши атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш жараёнида аҳолининг иштироки кучайишига мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади.

---

# Хатони тан олиш ўрнига бир дунё гап

**ёки «Адолат» СДП етакчилари ўз фаолларини сиёсий партия ваколатига кирмайдиган ишларга даъват этаётгани хусусида**

**Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар чуқурлашиб, фуқаролик жамияти ривожланиб бораяпти. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Қўшма мажлисида Президентимиз тақдим этган Концепция, шубҳасиз, бу жараённи янги босқичга олиб чиқмоқда. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида, айниқса, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб институти бўлган маҳалланинг ўрни мустаҳкамланиб, ваколатлари кенгайиб бораётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.**

Айни пайтда юртимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари давом этаяпти. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, бирон-бир қонунда сиёсий партияларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилмаган.

Шунга қарамай, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг айрим етакчилари фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида ўз номзодлари билан фаол иштирок этиб, партиянинг нуфузини оширишга ҳаракат қилмоқда.

«Адолат» газетасининг 2011 йил 6 май сонида босилган «Партия – демократик ислоҳотларнинг янги босқичида» сарлавҳали мақолада бу ҳақда очиқ ва аниқ айтилган. *«Адолат» СДП Самарқанд вилоят кенгаши* деган жумлани эплаб тўғри ёзолмаган муаллиф мақолада «Адолат» СДП сиёсий кенгаши раиси ўринбосарининг сўзларини келтиради: **«Адолат» СДПнинг ҳудудий ташкилотлари маҳалла йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида ўз номзодлари билан муваффақиятли иштирок этишлари эса партиянинг нуфузини янада оширади».**

Бу гапни партиянинг оддий бир аъзоси айтганида эътибор бермаслик мумкин эди. Лекин айнан партия сиёсий кенгаши раиси ўринбосари демократик ислоҳотларнинг янги босқичида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида ўз номзодлари билан фаол иштирок этиб, партиянинг нуфузини оширишни ҳудудий партия ташкилотлари олдига вазифа қилиб қўймоқда.

Бу масалага биз ўз муносабатимизни билдириб, фуқаролар йиғини сиёсий ташкилот ёки вакиллик ҳокимияти эмаслиги, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб институти эканини таъкидлаган эдик, холос. Ҳақиқатан ҳам маҳаллани партиялаштириш ёки сиёсат майдонига айлантиришга уриниш қонунга зид ҳаракатдир.

Аммо «адолат»чилар буни тан олиш ўрнига ўз нашрининг 27 май сонида чоп этилган «Фикрлашнинг сўлларча усули» сарлавҳали мақолада ЎзХДПга нисбатан мавзуга алоқаси йўқ бир дунё гапни айтиб, **«Шубҳасиз, партиямиз... ўз номзодларининг сайловда фаол қатнашиши ва ғалаба қозонишини истайди»**, деб алоҳида таъкидлайди.

Тўғриси, «Адолат»даги биринчи мақолада айтилган фикрларни улар адашиб ёзганмикин ёки унинг нотўғрилигини билмасдан айтдимикин, деган хаёлга борган эдик. Иккинчи мақоладаги фикр бизни чиндан ҳайратга солди.

2009 йили бўлиб ўтган сайловолди дебатларидан бирида «Адолат» СДП сиёсий кенгаши раиси ўз партиясининг сайловолди дастури ҳақида сўз юритиб, жуда катта ваъдалар бериб, баландпарвоз гаплар айтган эди. Шунда ЎзХДП вакиллари унга савол беришди. «Адолат» партиясининг маҳаллий Кенгашларда депутатлари деярли йўқ-ку! Шунча вазифани қандай бажарасиз?» бунга жавобан «Адолат» етакчиси: «Депутатларимиз шу вақтгача бўлмаган бўлса, энди бўлади», деди.

Афсус, унинг юксак орзулари барибир тўлиқ амалга ошмади. Сайловлар натижасига кўра, 60 га яқин туман ва шаҳарда «Адолат» СДП халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидан биронта ҳам ўрин эгаллай олмади. Яъни, мазкур туман ва шаҳарларда «Адолат» партиясига ва унинг вакилларига халқ ўзининг холис муносабатини намоён этди. Бирор-бир номзоди ишонч қозона олмади. Яна кўплаб туман ва шаҳарларда «Адолат» СДПнинг бор-йўғи бир ёки икки вакили маҳаллий Кенгашга сайланди холос.

Конституциямиз, сайловлар ва сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунларда уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи кафолатланган. Ўтган даврдаги сайловларда «Адолат» СДП муваффақиятли иштирок эта олмади. Юқоридаги мисоллар ёки Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ўртасида энг кам депутатлик ўрни айнан «Адолат» СДПга тегишли эканини фикримиз тасдиғидир.

Қонун билан кафолатланган ваколатлардан етарли даражада фойдалана олмагани, электоратнинг фаол қўллаб-қувватлашига эришолмагани сабабли энди «адолат»чилар ноқонуний йўлга ўтмоқда, шекилли?!

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунда номзод кўрсатиш механизми мавжуд. Яъни, бу Қонуннинг 11-моддасига асосан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини ёки унинг кенгаши қарори билан сайлов даври учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи тузилади. Қонуннинг 14-моддасига асосан Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади.

Кўриниб турибдики, қонунда сиёсий партиялар фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзод кўрсатиши ҳақида ҳеч қандай меъёр йўқ.

Тўғри, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида сиёсий партияларга бошқа сиёсий партиялар билан иттифоқ (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш ҳуқуқи кафолатланган. Шунга асосан қарашлари мутлақо бошқа-бошқа бўлса-да, ўтган ваколат муддати давомида «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси бошқа сиёсий партиялар фракциялари билан «Демократик блок»ка бирлашган эди.

Лекин бу гал гап ҳамкорлик, шериклик, шартнома муносабатлари ёки иттифоқ (блок) тузиш ҳақида эмас, айнан «Адолат» СДПнинг ҳудудий ташкилотлари маҳалла йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида ўз номзодлари билан муваффақиятли иштирок этиши ҳақида кетаяпти. Бундай ҳаракат эса яна такрор айтамиз, қонунга хилоф. Қонун эса ҳаммага баробар.

**Асли КАМОЛ**


XALQ BANKI

Standart and Poor's

Халқаро рейтинг агентлиги
2011 йил май ойида

Ўзбекистон Республикаси
Давлат-тижорат Халқ банкининг

халқаро кредит рейтингларини

В/Барқарор/В

даражасида тасдиқлади

(Охири. Боши ўтган сонларда.)






# «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

### ЮК ВАГОНЛАРИ ЎЗИМИЗДА ҚУРИЛМОҚДА

Мустақиллик туфайли компания саноат корхоналарида ишлаб чиқариш, мавжуд техникаларни модернизациялаш ва шу орқали улардан фойдаланиш муддатини узайтириш каби кенг кўламли ишлар йўлга қўйилди. 2002 йили Андижон механика заводида вагон цистерналар яратишга киришилган бўлса, орадан бир йил ўтиб, МДҲда учинчи бўлиб шу турдаги вагонларни ишлаб чиқаришга гувоҳнома олинди. Бу билан Ўзбекистон темир йўлларида оғир машинасозликка асос солинди. Бирин-кетин компания корхоналари усти ёпиқ, ярим вагон ва вагон хоппер ҳамда турли русумдаги цистерналарни ишлаб чиқариш учун халқаро сертификатларга эга бўлди. Бугун бундай ҳаракат таркибига нафақат Ўзбекистонда, қолаверса, бошқа давлатларда ҳам эҳтиёж жуда катта. Ўзбекистон темирйўлчилари истиқлол туфайли юк вагонларга бўлган талабни ўзи қондиришдан ташқари, хорижий ҳамкорларга экспорт қилиш имконига ҳам эгадир.

**Мустақиллик йилларида «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси саноат корхоналарида 878 та юк вагони қурилди. 3620 та юк вагони замонавийлаштирилди.**

### ҚУДРАТЛИ ЛОКОМОТИВЛАР

Ўзбекистон оғир машинасозлик саноатининг яна бир ютуғи, «UZTE16M» тепловозининг ишлаб чиқарилиши бўлди. Қисқа муддатда модернизациялаш дастури доирасида 90 та локомотив секцияси замонавийлаштириб, энг мураккаб рельефли ва саноати зич жойлашган ҳудудларга юборилди. Кези келганда айтиш жоизки, МДҲдаги ҳеч бир давлатда бунча ҳажмдаги локомотивларга қайта ҳаёт бағишланмаган. Тасаввур қилиш учун таъкидлаб ўтамиз: 90 та локомотив бутунлай янги дизель ва эҳтиёт қисмлар билан жиҳозланди. Ҳар бири уч минг от кучига эга!

Бундан ташқари, Ўзбекистон иқлими ва шароитини ҳисобга олиб, Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган «O'zbekiston» русумли йўловчи ва юк электровозлари келтирилди. 2003-2010 йилларда Ўзбекистон темир йўллари локомотив саройи янги 17 та электровоз, 6 та тепловозга эга бўлди. Нафақат қувватли, тежамкор ва қулайлиги, қолаверса, кўринишдан ҳар бир юртдошимизда фахр туйғусини уйғотадиган учқур локомотивлар темир йўлларимизда изчил қатнамоқда. Кўрилаётган иқтисодий самара кўлами эса беқиёсдир.

### ВАТАННИНГ ТЕМИР ЙЎЛ ДАРВОЗАЛАРИ

Тошкент — Марказий вокзалининг муҳташам биноси, яратилган замонавий шарт-шароитини кўриб, бундай иншоот Ўзбекистонда ягона бўлса керак, деб ўйлайди, киши. Бироқ бугун Ватанимизнинг энг олис ҳудудидаги вокзаллар ҳам пойтахтдагидан қолишмаслиги айни ҳақиқатдир. 2004 йили Тошгузардан Деҳқонободгача поездда борган Юртбошимиз Тошгузардаги вокзалда бўлганида, турли ёшдаги йўловчилар, хусусан, кекса ва ногирон кишилар учун тегишли шароит яратилиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратган эди.

Компания раҳбарияти лойиҳачи ва қурувчилар билан барча темир йўл вокзалларини ана шундай замонавий талаб ва андоза асосида қайта кўриб чиқди. Бугун Бойсун, Дарбанд ва Гулистон, Учқудуқ ёки Нукусда бўлсангиз, ҳар бир вокзал ана шундай халқаро талабларга жавоб бера олишини кўрасиз. Бугун Самарқанд, Бухоро ёки Термиз сингари қадимий шаҳарларга ташриф буюрган сайёҳ ёки ватандошимиз бу жойлардаги темир йўл вокзалларида яратилган қулайликлардан ҳайратга тушмаслиги мумкин эмас.

**1998 — 2010 йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан жами 32 та вокзал қурилди. 24 та вокзал реконструкция қилинди.**

**1998 — 2010 йилларда қарийб 29 447 минг йўловчи манзилига етказилди.**

— Бундай ютуқларга Президентингизнинг темир йўл транспорти яхлит тизимини, транспорт коридорларини, республикада оғир машинасозлик асосларини яратиш, 2009 — 2013 йилларда тармоқни модернизациялашнинг комплекс дастуридаги бошқа масалаларни ҳал этишга кўрсатаётган доимий диққат-эътибори ва ғамхўрлиги туфайли эришилганига гувоҳ бўлдик, — дейди МДҲ темир йўл маъмуриятлари кенгаши раиси, «Россия темир йўллари» ОАЖ президенти Владимир Якунин.

### ЭКОЛОГИК ТОЗА ВА ТЕЖАМКОР

Компанияда экологик жиҳатдан тоза ва тежамкор поездларни электр токи ёрдамида ишлатишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда йўлларни электрлаштириш муваффақиятли амалга оширилди. Биргина 2010 йилнинг ўзида Кучлук — Ангрен масофасида 85,6 км йўл электрлаштирилди ва биринчи электропоезд Ангрен шаҳрига кириб борди.

Бугунги кунда Янгиер — Жиззах масофасида икки йўллик электрлаштирилган янги темир йўл тизимини қуриш жадаллик билан олиб борилмоқда. Тармоқда электрлаштиришнинг истиқболига назар соладиган бўлсак, Мароқанд — Қарши ва Қарши — Термиз темир йўл участкалари яқин вақт ичида электрлаштирилиши лозим. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида поездлардан фойдаланиш харажатлари 23 фоизга қисқаради. Йилига 16 минг тонна дизель ёнилғиси тежалади. Кўрсатилаётган хизматлар сифати ошади. Юк ташиш вақти 1,2 соатга, йўловчиларнинг манзилга етиш вақти 40 минутга қисқаради. Энг муҳими, темир йўлнинг поездларни ўтказиш қуввати 35 фоизга ошади. Қўшимча ишчи ўринлари яратиш имконияти туғилади. Бундан ташқари, компаниянинг янги темир йўл линияларида инфратузилмани ривожлантириш, янги турар-жой бинолари қуриш, разъед ва станцияларни кенгайтириш, сигналлаштириш ва алоқа тизимини такомиллаштириш каби вазифалар амалга оширилмоқда.

**2005-2006 йилларда Самарқанд — Бухоро йўналишининг устувор участкаларида 341 км йўл модернизация қилинди.**

**Мустақиллик йилларида «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан жами 425,5 км темир йўл электрлаштирилди.**

Юртбошимиз томонидан 2010 йил 15 декабрда 2011-2015 йилларда мамлакатда саноатнинг устувор йўналишлари ҳамда инфратузилма, транспорт ва коммуникациялар қурилишини ривожлантиришга бағишлаб қабул қилинган қарорлари ана шундай йирик, истиқболли вазифаларни ҳал қилишда дастуриламал бўлмоқда.

### ФАХР-ИФТИХОР

«Ўзбекистон темир йўллари»ни ҳеч иккиланмасдан истиқболли компания, дейиш мумкин. Тармоқ халқ хўжалигининг юк ва йўловчи ташишга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, мамлакатимизда коммуникация тизимини янада ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшиб келмоқда.

Тошкент кичик ҳалқа йўлида 7,5 километр масофада жами 15 км тезюрар трамвай йўлининг қиш-кировли кунларга қарамай, қисқа муддат ичида темирйўлчилар томонидан қуриб фойдаланишга топширилиши, шу сингари бошқа қатор муҳандислик иншоотларининг барпо этилиши фикримизнинг далилидир.

Компанияда кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабидан келиб чиқиб, битта институт ва 3 та коллежда тармоқнинг бўлажак мутахассислари камол топмоқда. Илм даргоҳларининг моддий-техник базаси замон талаблари даражасида.

Шунингдек, компания тармоқ учун етук мутахассислар тайёрлашда нафақат республикамиз, бошқа давлатлар олий ўқув муассасалари салоҳиятидан ҳам унумли фойдаланмоқда. Хусусан, Россия Федерациясининг Санкт-Петербург ҳамда Москва давлат темир йўл университетлари, Москва технологик университети шулар жумласидандир. Уларда 104 нафар йигит-қизлар таълим олишмоқда. Улардан 83 нафари олий, 21 нафари аспирант мақомига эга бўлади.

Москва пўлат ва қуюв институтида Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаларидан 40 нафари (бакалавр), Санкт-Петербург давлат темир йўл университетида 57 нафар йигит-қизларимиз таҳсил олмоқдалар.

Мўъжизакор янгиликлар яратаётган, замонавий техникаларга эга, элюртга сидқидилдан хизмат қилаётган темирйўлчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Замонавий шифохоналарда малакали тиббий хизмат кўрсатилади. Мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун маданият саройлари, санаторий ва оромгоҳлар темирйўлчилар хизматида. Ўтган йиллар давомида Президентимиз фармони билан тўрт нафар темирйўлчига Ўзбекистон Қаҳрамони юксак унвони берилди. Юзлаб ишчи-ходимлар давлат мукофотлари билан тақдирланди.

### ХАЛҚАРО БАНДАРГОҲЛАР САРИ ЙЎЛ

«Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг янги темир йўллар қуриш салоҳияти халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. 2010 йил Афғонистон тарихидаги биринчи темир йўл барпо этилиши, Ҳайратон — Мозори Шариф оралиғидаги 106 километрлик йўл қурилиши бунга мисол бўла олади.

Темирйўлчиларимиз лойиҳадаги 3 миллион метр кубга тенг тупроқ ишларини бажаришди. 3 та станция, 2 та разъезд, 16 та темир йўл кесишмаси, 32 та сунъий иншоот, 2 та юк ҳовлиси, 20 та техник бино, замонавий телекоммуникация, алоқа ва электр таъминоти тизимини барпо этишди.

Бу йўл Осиёни Европа билан боғловчи қитъалараро магистралнинг муҳим бўғинига айланади.

### «AFROSIYOB» ПОЕЗДИ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИГА МУНОСИБ ТУҲФА

Бугун Испаниядан юқори тезликда ҳаракатланадиган «AFROSIYOB» электропоездларини олишга ҳозирлик кўрилмоқда. Тошкент билан қадимий Самарқандни боғлайдиган бу поезд жаҳон андозаларига тўла жавоб беради.

«AFROSIYOB» нафақат Марказий Осиё, балки Ҳамдўстликда ҳам ягона бўлиб, масофа икки соатда босиб ўтилади. Поездда йўловчилар учун барча комфорт хизматлар муҳайё этилган. Бу ноёб воқеа темирйўлчилардан қисқа муддатда янги муҳандислик иншоотларини барпо этиш, темир йўл станциялари ва йўлларни реконструкциялаш, радиуси кичик бўлган участкаларда темир йўл изларини мумкин қадар тўғрилаш, сунъий иншоотларни қайта таъмирлаш, алоқа ва сигналлаштириш, темир йўл кесишмаларини талаб даражасига келтиришни тақозо этади.

Бу борада Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорга кўра, компаниянинг барча узеллари, корхона ва ташкилотлари катта тайёргарлик ишлари олиб бормоқда. 59 км.лик Даштобод —Жиззах темир йўл участкаси капитал таъмирланмоқда. Янгиер — Даштобод участкасида 39 км масофада икки йўллик электрлаштирилган темир йўл қурилмоқда. Тошкентдан Самарқандгача бўлган масофада йўлнинг икки томони жами 658 километр масофа темир-бетон ва металл конструкциялар билан тўсилмоқда. Ана шу тадбирларнинг барчаси ҳамюртларимиз ва йўловчилар, пировардида поездлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

Янги юқори тезликда ҳаракатланадиган «AFROSIYOB» поезди қатновининг йўлга қўйилиши, аввало истиқлол шарофати, қолаверса, Ўзбекистон ва Испания давлатлари ўртасидаги дўстона ҳамкорлик муносабатларининг маҳсули. Айни чоғда транспорт коммуникацияларини тараққий эттириш борасида белгиланган дастурларнинг рўёби, темир йўл тарихидаги янги даврнинг бошланиши демакдир...

**Сувонқул РУСТАМОВ,**
**журналист.**

**1999 йил**

- **4 март.** «Навоий — Учқудуқ-2 — Мискин — Султон Увайстоғ» темир йўл линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилинди.
- **21 декабрь.** Президент Ислом Каримов Қарши вокзалига ташриф буюрди ва бинони реконструкция қилиш юзасидан кўрсатмалар берди.

**2000 йил**

- **16 май.** Тошкент тепловоз таъмирлаш заводининг 100 йиллиги муносабати билан корхонанинг 14 нафар ходими давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

**2001 йил**

- **25 январь.** Президент Ислом Каримов Оқсаройда темир йўл транспортини монополиядан чиқариш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашни бошқарди.
- **15 март.** Президент Ислом Каримов Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

**2002 йил**

- **23 август.** Президент Ислом Каримов Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўлида йўловчи поездлар қатнови очилиши муносабати билан темир йўл бунёдкорларига табрик йўллади.

**2003 йил**

- **24 январь.** Вазирлар Маҳкамаси «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўли қурилишини жадаллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

**2004 йил**

- **15 январь.** Тошкент — Самарқанд масофасида «Registon» тезюрар поездининг доимий қатнови бошланди.

**2005 йил**

- **31 август.** Президент Ислом Каримов Тошкент – Марказий темир йўл вокзалига ташриф буюриб, реконструкция ишларининг бориши билан танишди. Юртбошимиз Тошкент ва Бухоро ўртасида қатнови йўлга қўйилган "Шарқ" тезюрар поездини кўздан кечирди.

**2006 йил**

- **24 март.** Гулистон вокзали фойдаланишга топширилди.
- **14 сентябрь.** Тошкент – Бухоро йўналишида "Sharq" тезюрар поезди қатнови очилди.

**2007 йил**

- **24 август.** Президент Ислом Каримов "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" янги темир йўлининг тантанали очилишига бағишлаб Дарбанд станциясидаги маросимга ташриф буюрди ва нутқ сўзлади.

**2008 йил**

- **27 декабрь.** Тошкент – Қарши шаҳарлари орасида "Nasaf" тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилди.

**2009 йил**

- **20 ноябрь.** Вазирлар Маҳкамасининг "Хайратон – Мозори Шариф" ўртасидаги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш, қуриш, ўрнатиш ва фойдаланишга топшириш" тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

**2010 йил**

- **22 январь.** Афғонистон Ислом Республикаси тарихидаги биринчи — «Хайратон — Мозори Шариф» темирйўл қурилиши бошланди.
- **Декабрь** «Ўзбекистон темир йўллари» ва ХХР Чжучжоу электровоз қуриш компаниялари ўртасидаги шартномага кўра 15 та тезюрар йўловчи электровознинг биринчиси Тошкентга етиб келди.

**2011 йил**

**4 май.** Буюк ипак йўли сайёҳлик дастурини ривожлантириш мақсадида 71/72-Бухоро — Урганч — Бухоро тезюрар йўловчи поезди қатнай бошлади

# Ахборот эркинлиги таъминланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда журналистика соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Семинарда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли, медиа-тизимнинг иқтисодий асослари, оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, телерадиоэшиттиришлар соҳасини такомиллаштиришга бағишланган маърузалар тингланди ҳамда муҳокама қилинди.

**С.ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

Миллий матбуот марказида

# Экологик маданият

**Ўзбекистон Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорликда «Таълим — барқарор ривожланишнинг муҳим омили» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш аъзолари, олимлар, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.**

Анжуманда Ўзбекистон Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Наримон Умаров ва бошқа сўзга чиққанлар бугунги кунда атроф-муҳитга нисбатан инсонларнинг муносабати ўзгараётгани, юртдошларимизнинг табиий бойликларни асраб-авайлашда фаол иштирок этиши жамиятда экологик билим ва маданиятнинг юксалаётгани самараси эканлигини таъкидлашди. Бу долзарб масала юзасидан ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Иван Эспиналь ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Юртбошимизнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги маърузасида атроф-муҳитни муҳофазалаш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилган. Мазкур дастурий ҳужжатлардан келиб чиқиб, барқарор тараққиёт таълими бўйича дастур лойиҳаси яратилди.

Конференцияда барқарор тараққиёт таълими стратегик вазифаларини устувор давлат дастурларида акс эттириш, олий ўқув юртлари илмий-педагогик мутахассислари ва битирувчилари касбий салоҳиятини ошириш муҳим вазифа эканлиги, йўналтирилган интерфаол таълим усулларига асосланган таълим дастурларини ишлаб чиқиш тўғрисида таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

Бандлик

# Меҳнат ярмаркаларида

## 234 нафар киши иш билан таъминланган бўлса, йил охиригача 5 минг 787 нафар одам ишли бўлиши кутилмоқда

**Сариосиё туманида 177 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуд вилоят марказидан 170 километр олисда, тоғ этакларида жойлашган. Бу ерда аҳолининг турмуш фаровонлиги йил сайин яхшиланмоқда. Бунда аввало, ёшлар ва хотин-қизларнинг иш билан таъминланганини муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Туман ҳокимлиги, прокуратура, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ташаббуси билан Сариосиё Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида навбатдаги бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Унда 63 та корхона, ташкилот ва муассасалар 1 минг 100 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Тадбирда қатнашган 263 нафар фуқаро ва касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 154 нафари ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашди. Уларнинг асосий қисмини ёшлар, хотин-қизлар ташкил этади.

— Ўтган йили Денов тиббиёт коллежини тугаллагандим, — дейди Шаҳноза Муқимова. — Бугун ўз мутахассислигим бўйича тиббиёт бирлашмасига ишга жойлашдим.

Туманда йил охиригача яна 3 марта бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилади. Шунда 5 минг 787 киши муқим иш жойига эга бўлади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Пиллакорлар ютуғи

**Қашқадарё вилояти пиллакорлари давлатга шартномадаги 2795 тонна ўрнига 2800 тонна пилла етказиб бериб, режани ортиғи билан адо этишди.**

Энг катта хирмон Шаҳрисабз туманига тегишли. Улар 465 тонна ўрнига 480 тонна пилла етиштиришди. Туман фермерлар уюшмаси раҳбари Тўрақул Иноятуллаев: — Муваффақият — ўзига хос тажриба мактаби борлигида, — дейди.

— Шаҳрисабз уста пиллакорлар юрти. Бугун уларнинг фарзандлари, шогирдлари ишлашаяпти. Қолаверса, биз ҳам пиллакорларнинг меҳнатини енгиллаштиришга ҳаракат қилаяпмиз. Озуқа учун 875 гектар тутзор, 267 минг туп тут яхши парвариш қилинди. Биз бу йил банкдан кредит олмай, ўз маблағимиз ҳисобидан бўнак пули тарқатдик. 5336 нафар пиллакор билан шартнома тузилди. Натижа кўнгилдагидек бўлди, — дейди туман пиллачилик МЧЖ раиси Ражабали Мейлиев.

Умуман, вилоятда бу йил баракали пилла етиштирилди. Катта хирмонга Китоб ва Яккабоғ туманлари 365 тонналик муносиб улуш қўшишди. Кейинги йилларда уруғчиликка ҳам катта аҳамият берилмоқда. Бу йил «Ипакчи» ва Хитойдан келтирилган қурт уруғлари парвариш қилинди. Яна бир муҳим масала — пиллани қайта ишлаш. Бу борада Шаҳрисабз тумани пиллачилик МЧЖси Тошкентдаги «SILWER SILK» қўшма корхонаси билан ҳамкорлик қилмоқда.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози»мухбири.**

**Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан**

# УЛУҒ ОРЗУЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИЖОБАТИ

*Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида ишлаб чиқилган ҳамда изчил амалга оширилаётган қишлоқларда замонавий уй-жойлар қуриш борасида Ўзбекистоннинг ноёб тажрибаси ҳақида*

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**Қисқа вақт ичида қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узоқ истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник масалаларни қамраб олган замонавий салоҳиятга эга база яратилди, қурилишни молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизми ишлаб чиқилди. Яъни, бу соҳада ўзига хос янги тизим шакллантирилди.**



**Бу уйлар учун тўловларни бирданига эмас, балки 15 йил давомида тўлаб бориш тартиби юртдошларимизга катта имтиёз ва енгилликлар бермоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг қарорига биноан ташкил этилган «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти томонидан замонавий индустриал технологияларни қўллаган ҳолда барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бу лойиҳаларни амалга ошириш механизмлари шакллантирилди. Қишлоқда якка тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий объектларни тайёр ҳолда топшириш шарти асосида фаолият олиб бораётган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси бунда муҳим ўрин тутмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 30 мартда қабул қилинган қарори асосида ташкил этилган «Қишлоқ қурилиш банк»и қишлоқларимизга замонавий қиёфа бериш, қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш борасидаги ишларни молиялаш, аҳолига имтиёзли кредит ажратиш йўналишида фаол иш олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2009 йилда 42 массивда 847, ўтган йили 225 массивда 6 минг 800 уй-жой барпо этилди. Минглаб оилалар янги уйларга кўчиб ўтди. Жумладан, Самарқанд вилоятида 2009 йили уч туманда ана шундай 60 уй-жой қурилган бўлса, ўтган йили 14 тумандаги 21 қишлоқда намунавий лойиҳалар асосида 650 уй-жой бунёд этилди. Жорий йилда 23 массивда 695 уй қурилиши давом этмоқда.

Оқдарё туманининг Қирқдарҳон қишлоғида намунавий лойиҳа асосида 2010 йилда ўн беш оила учун уй қурилиб, ўз эгаларига топширилган эди. Жорий йилда яна 69 уй-жой, 150 ўринли мактаб, стадион, 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти, шунингдек, маҳалла маркази ҳамда болалар спорт майдончаси барпо этилмоқда. Қурилиш ишлари танловда ютиб чиққан саккиз қурилиш ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда.

— Бундай замонавий уйларда яшашни илгари фақат орзу қилар эдик, — дейди оқдарёлик янги уй соҳибаларидан бири Азиза Нурмуродова. — Бугун мана шу орзуимиз рўёбини кўриб турибмиз. «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан ажратилаётган имтиёзли кредит бундай замонавий уйларга эга бўлиш учун катта имкониятдир.

Азиза опанинг турмуш ўртоғи Абдувафо Ҳожибеков шаҳардаги уйлардан асло қолишмайдиган бундай ҳовли-жойларни илгари тушимизда ҳам кўрмаганмиз, дейди.

Касби қурувчи бўлган Абдувафо ака илгари бундай иморат қурмоқчи бўлган одам қандай сарсонгарчиликларни бошидан кечиришга мажбур бўлганини ҳаммадан ҳам кўпроқ тушунади. Ер участкаси ажратиш, қурилишга рухсат олишдаги қийинчиликлар, қурувчи ва усталар топиш, уларга иш ҳақи бериш, ош-овқати... Қурилиш материалларини минг азоб билан топиш ва қурилиш жойигача келтириш билан боғлиқ оворагарчиликлар унча-бунча одамнинг тинкасини қуритар эди.

— Душманинг бўлса, урма-сўкма, ўзига янги уй қурдир. Ҳовлиси битгунича адои тамом бўлиши аниқ, деган латифанома гаплар бежиз айтилмаган ўша замонларда, — дейди Абдувафо ака.

Бугунги кунда бу борадаги аҳвол тубдан ўзгарди. Қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш бўйича яратилган қулайликлардан юртдошларимиз мамнун. Уй-жойга эга бўлишни истаган оилалар дастлаб уй-жой нархининг 25 фоизи миқдоридаги бошланғич бадал пулини тўлайди. Қолган сарф-харажатларнинг асосий қисми «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан берилаётган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланмоқда. Бу уйлар учун тўловларни бирданига эмас, балки 15 йил давомида тўлаб бориш тартиби юртдошларимизга катта имтиёз ва енгилликлар бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 2010 йилнинг май ойида Андижон ва Фарғона вилоятларига ташрифи давомида жойларда қурилган ана шундай дастлабки уй-жойларни кўздан кечириб, янги хонадонларнинг эгалари билан суҳбатлашди. Экспериментал тарзда қурилган бу уйларнинг афзал жиҳатларини эътироф этган ҳолда, ушбу лойиҳаларни янада такомиллаштириш юзасидан ўзининг амалий таклиф ва тавсияларини берди.

Президентимизнинг 2010 йил 17 июнда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ уй-жойларнинг мавжуд намунавий лойиҳаларига ўзгартиш ва тузатишлар киритилди. Жумладан, қишлоқ жойларда ҳар бир иморат қурувчига 4 сотих ўрнига 6 сотих ҳажмида ер участкаси ажратиш белгиланди. «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этишга мўлжалланган бир қаватли 3, 4 ва 5 хонали уйларнинг намунавий лойиҳалари яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг таклиф ва тавсиялари асосида илгари ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар ҳар томонлама синчиклаб таҳлил қилинди. Табиий омиллар — шамол йўналиши, қуёш нурининг тушиши каби муҳим иморатсозлик талаблари ҳам янги лойиҳаларда инобатга олинди. Шунингдек, хоналарнинг жойлаштирилиши қайта кўриб чиқилди, кенгайтирилди, деворлар баландлиги 3 метрдан 3,2 метрга кўтарилди. Такомиллаштирилган лойиҳада кексалар ва болалар учун ҳам тегишли қулайликлар, ошхона ва айвон ёнма-ён жойлаштирилиб, улардан меҳмонхонага бемалол ўтиладиган йўлак бўлиши кўзда тутилди. Яна бир аҳамиятли жиҳати: дарвозахонада шахсий енгил машина учун махсус жой ҳам назарда тутилган, хавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, уйга тақаб қурилган сув иситиш — қозонхона қурилмаси ҳовлининг четига кўчирилди.

— Қирқдарҳон қишлоғида 2011 йилда такомиллаштирилган лойиҳалар асосида 14 уч хонали, 30 тўрт хонали ва 25 беш хонали уй қурилмоқда, — дейди «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси Самарқанд вилояти бўлими бошлиғи Сафар Кушанов. — Бу уйлар аввалги лойиҳа асосида қурилганларидан бир қатор қулайликлари билан ажралиб туради. Масалан, хоналарнинг кенгайтирилгани аҳолига ғоят манзур бўлмоқда. Сабаби, халқимиз, айниқса, қишлоқ аҳли кенгликни ёқтиради. Олдинги лойиҳада 3 хонали уйнинг турар-жой майдони 47,5 квадрат метр бўлган бўлса, ҳозир 77,8 квадрат метрни ташкил этади. Ювиниш хоналари уйнинг тўридан кириш эшиги ёнига кўчирилган.

— Янги лойиҳаларда биз, аёлларнинг рўзғор юмушлари билан шуғулланиши, чақалоқни парвариш қилиши, ҳордиқ чиқариши, кексалар ва болалар учун ҳам барча қулайликлар кўзда тутилган, уйнинг бошқа қисмларига ўтадиган алоҳида даҳлиз ва қўл ювиш, кийим-кечакларни илиш учун махсус жой ажратилган, — дейди Азиза Нурмуродова. — Айниқса, дам олиш, ётоқхоналарнинг кўздан пана бўлишига эътибор қаратилгани миллий менталитетимизга мосдир. Бундан ташқари, қўшимча равишда гараж, ёзги ошхона, тандирхона каби кундалик турмушда зарур воситалар қуриш имконияти кўзда тутилгани айни муддаодир.

Қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, замонавий уйлар, янги йўллар, сув, газ ва электр тармоқларини барпо этиш, умуман инфратузилмани кенг ривожлантириш одамларнинг онгу шуурини, дунёқарашини ўзгартиради, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди. Ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказиш учун аввало фарзандларимизга муносиб шароит яратиб беришимиз керак. Бундай уйларда яшаш инсоннинг кайфиятини кўтариб, меҳнат фаолиятида унум ва барака келтиради, деб таъкидлаган эди Юртбошимиз.

— Қурувчи бўлсам-да, шу пайтгача ўз уйимда бундай замонавий шарт-шароитларни ярата олмагандим, — дейди Абдувафо Ҳожибеков. — Бунга гоҳ имкониятимиз, гоҳида ҳафсаламиз етмасди. Тўрт хонали янги уйимизда фарзандларимиз билан бекаму кўст яшаяпмиз. Кўкламда ҳовлимизга мевали дарахт кўчатлари, савбзавот экдик. Картошкамиз етилиб қолди, дастурхонимизни ўзимиз етиштирган помидор, бодринг безайди. Умуман айтганда, уйимиз ичида шаҳардагидек имконият ва қулайликлар мавжуд бўлса, ҳовлимизда қишлоқ саховатини сезиш мумкин.

— Отам қурган эски уйда яшаймиз, — дейди янги барпо этилаётган уйлардан бирининг соҳиби Қаҳрамон Қаршиев. — Эскини тузатгунча эсинг кетади, деган гап бекорга айтилмаган: гоҳ у ерини, гоҳ бу ерини таъмирлаймиз. Бунинг учун анча-мунча харажат, вақт, меҳнат сарфланади. Бугун қишлоқларда тикланаётган замонавий уйлар одамларни ана шундай ташвишлардан халос этмоқда. Уйлар мустаҳкам пойдевор асосида пишиқ ғиштдан қурилмоқда, том ҳам сифатли ва замонавий материаллар билан ёпилаётир. Барча шароит мавжуд. Ошхона, ҳаммом қурай деб ташвиш қилмайсиз, ҳаммаси ичкарида муҳайё. Шунинг учун ҳам янги уйларга талабгорлар кўп. Бизнинг оилага ҳам уч хонали уй насиб қилганидан хурсандмиз. «Қишлоққурилишбанк» томонидан кредит ажратилган, бошланғич ва якуний тўловни тўлаб бўлдик. Куни кеча хабар олдим, уйимиз деярли битибди.

Ҳа, одамларимизнинг уй-жойнинг қандай лойиҳа асосида, қандай қурилиш материалларидан қурилишига алоҳида эътибор қаратаётганида жон бор. Зеро, пойдевори бетондан, деворлари пишиқ ғиштдан, томи металл ёки керамик черепицадан бўлган уй нафақат кўркам ва шинам бўлади, балки бир неча авлодга хизмат қилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, бугун барпо этаётган уйларимизни шундай мустаҳкам асосда қурайликки, у нафақат ўзимизга, балки кейинги авлодларимизга ҳам хизмат қилсин, токи фарзандларимиз, невара-чевараларимиз бу уйларда соғ-саломат бўлиб вояга етсин, бахтли, осуда ҳаёт кечирсин.

Янги қишлоқларни барпо этишда аҳоли учун барча шарт-шароитларни, қулайликларни яратиш бош мезон этиб белгиланган. Шу маънода уларни муҳандислик-коммунал тармоқлар — электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик, канализация билан таъминлаш, йўллар, кўприклар қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, Қирқдарҳонда ҳозиргача ичимлик сув, табиий газ ва электр тармоғи тортиб бўлиниб, 3,5 километрлик йўлни асфальтлашга киришилмоқда.

Уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилмалар қурилишининг ривожланиши қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва даромадини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, 2010 йилдаги дастурда 61 минг 200 нафар киши ишлаётган 379 пудрат ташкилоти иштирок этган. Бундан ташқари, ушбу дастурга бир қатор лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси тизимига кирувчи корхона ва ташкилотлар ходимлари, шунингдек, касаначилар ва ҳунармандлар жалб қилинмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий ва коммуникация инфратузилмасига эга бундай замонавий уй-жой бозорининг шаклланиши туфайли қурилиш материалларига талаб ҳам тобора ошмоқда. Жойларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналар ишга тушаётгани ушбу эҳтиёжни таъминлашга хизмат қилаётир. Ҳозир юртимизнинг кўплаб ҳудудларида маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган замонавий қурилиш материалларининг сифати хориж маҳсулотидан асло қолишмайди. Тадбиркорларимизга яратилаётган қулай шароит ва берилаётган имтиёзлар бу борада кучли рағбатлантирувчи омил бўлаётир.

**Уй-жой қурилишида ишлатиладиган пишиқ ғишт, томёпқич, эшик, ром каби материаллар қиймати жами қурилиш материалларининг ўртача 23-25 фоизини ташкил этади. Шуни инобатга олган ҳолда, бундай қурилиш материалларини ишлаб чиқарадиган ихчам, замонавий қувватларни ишга тушириш ҳисобига қурилиш материаллари нархини оптималлаштириш устида фаол иш олиб борилмоқда.**

«Ўзметкомбинат» бирлашмаси ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси томонидан металлпрокатлар ва цемент имтиёзли нархларда тўғридан-тўғри пудратчиларга етказиб берилмоқда. «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 300 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган 12 янги корхона, йилига 1,7 миллион квадрат метр томёпқич материаллари ҳамда 400 минг квадрат метр ром ва эшик блоклари ишлаб чиқариш қувватига эга корхоналар ташкил этилди. «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси корхоналари томонидан универсал иситиш тизимларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Аниқ мақсадли дастур асосида изчил давом этаётган бундай хайрли ишлар халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши, муносиб ҳаёт кечиришига хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқларимиз қиёфасини яхшилаш, одамларнинг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида изчиллик билан амалга оширилаётган эзгу ишларнинг амалий ифодасидир.

Айни кунларда халқимиз мустақиллигимизнинг 20 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу шонли санани муқаддас заминимизда — озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек олий мақсад йўлида амалга ошираётган улкан ишларимиз ўзининг юксак самараларини кенг намоён этаётган бир пайтда кутиб олаётганимиз барчамизга чексиз фахр ва ифтихор бахш этади.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**Жорий йилда ҳудудларнинг демографик хусусиятлари, шароитлари, ер майдони, ер ости сувларининг сатҳи, автомобиль йўллари, муҳандислик ва инфратузилма объектларига бўлган масофалар эътиборга олинган ҳолда танланган 372 массивда 7,4 минг 3, 4 ва 5 хонали уй-жой тайёр ҳолда топшириш шарти асосида барпо этилмоқда. Янги массивларда барпо этиладиган уй-жойлар Президентимиз Ислом Каримов тавсиялари асосида қайта ишланган лойиҳалар бўйича — шарқона усулда, халқимизнинг миллий турмуш тарзи, табиий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай қилиб бунёд этилмоқда.**

**Хабарлар**

## Марказдан узоқ мактаблар бор,

**лекин таълим ислоҳотидан четда қолган мактаб йўқ**

«Қорақалпоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 26- ва 56-мактаблар Қўнғиротдан 308 километр, Нукусдан 446 километр олисда жойлашган. Бугун ушбу даргоҳларда таълим-тарбия ишларини тубдан яхшилаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш Республика Халқ таълими вазирлигининг диққат-эътиборида турибди.

Куни кеча Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири Рустам Реймов Қўнғирот тумани халқ таълими бўлими мутасаддилари иштирокида 26- ва 56-мактабларнинг ҳар бирига давлат томонидан ажратилган учтадан компьютер жамланмаларини топширди.

Тадбирда сўзга чиққан ўқитувчилар, ота-оналар, ўқувчилар чуқур билим олиш учун шарт-шароит яратиб бераётгани учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдиришди.

Жорий йилда бу мактабларда 52 нафар ўғил-қиз 9-синфни битиради. Уларнинг ўқишни давом эттириши учун шу жойда Қўнғирот нефть ва газ саноати коллежининг филиали очиладиган бўлди. Мактабни битирувчилари шу коллеж филиалида ўқишади.

## Ёш китобхонлар тақдирланди

***Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида «Талаба ёшларни маънавий тарбиялашда Ахборот-ресурс марказининг роли» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда республикадаги етакчи ахборот-кутубхона марказлари мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ўқувчилар иштирок этишди.***

Анжуманда ахборот-ресурс маркази раҳбарлари ёшларни китобхонликка жалб этиш борасидаги тажрибалари ҳақида гапириб беришди. АРМ маъмурияти томонидан бир қатор фаол ёш китобхонларга фахрий ёрлиқлар топширилди. Қатнашчилар тадбир сўнгида янги китоблар кўргазмасини томоша қилишди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 19-мавзе, 47-уй, 62-хонадон эгаси Ҳанифа Абдуллаевна Қаюмова номига берилган уй дафтари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қамаши педагогика ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи томонидан 2004 йилда Раъно Исматовна Сувонова номига берилган ТN№203202 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**ОБ-ҲАВО 11-12.06.2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 28°C | 30°C |
| Самарқанд | 28°C | 33°C |
| Нукус | 28°C | 33°C |
| Қарши | 32°C | 37°C |
| Урганч | 28°C | 33°C |
| Навоий | 30°C | 35°C |
| Фарғона | 28°C | 33°C |
| Бухоро | 30°C | 35°C |
| Андижон | 28°C | 33°C |
| Наманган | 28°C | 33°C |
| Термиз | 32°C | 37°C |
| Жиззах | 28°C | 33°C |
| Гулистон | 28°C | 33°C |
| Тошкент вил. | 28°C | 33°C |
| Лондон | 13°C | 9°C |
| Париж | 12°C | 15°C |
| Москва | 11°C | 11°C |
| Мадрид | 11°C | 13°C |
| Пекин | 13°C | 15°C |
| Гонгконг | 25°C | 25°C |
| Рим | 10°C | 11°C |
| Анқара | 11°C | 9°C |
| Токио | 18°C | 16°C |
| Стокгольм | 9°C | 8°C |
| Кейптаун | 13°C | 13°C |
| Қоҳира | 10°C | 14°C |
| Гавана | 25°C | 25°C |
| Вашингтон | 16°C | 17°C |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 649
17413 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 22.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5